



# TANQIDIY NAZAR, TAHLILY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСУЛЛИК ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ХУСУСИДА

**Мирзаев Хуршед Тошқулович**

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Ҳалқаро муносабатлар факультетининг Амалий сиёсатшунослик йўналиши магистранти*

**Аннотация.** Уибу тезисда Ўзбекистон Республикаси консулилк хизматларининг ривожланиши, уларни такомиллаштиришига қаратилган чора-тадбирлар ва ўзбек консулилк хизматларининг эришган ютуқлари ўрганилган.

**Калим сўзлар:** консул, ҳалқаро консулилк, консулилк хизматлари, консулилк ёрдами, дипломатия, ташқи иқтисодиёт, иқтисодий дипломатия, ҳалқаро муносабатлар, стратегия, делегация.

### REGARDING THE IMPROVEMENT OF CONSULAR SERVICES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Mirzayev Khurshed Tashkulovich**

*Master's student of the Department of Applied Political Science at the Faculty of International Relations of the University of World Economy and Diplomacy*

**Abstract.** In this thesis, the development of the consular services of the Republic of Uzbekistan, the measures aimed at their improvement and the achievements of the Uzbek consular services are studied.

**Key words:** consul, international consulate, consular services, consular assistance, diplomacy, foreign economy, economic diplomacy, international relations, strategy, delegation.

Айни вактда шиддат билан ўзгариб бораётган жаҳонда ахборот технологиялар ҳамда Интернетнинг оммалашуви, визасиз минтақаларнинг вужудга келиши, миграция оқимининг кучайиши натижасида мамлакатлар мақбул ечимларни синчковлик билан излаб топишга мажбур бўлмоқда. Бу тўлақонли равишда консулилк хизматлари, уларнинг ҳуқукий асослари архитектурасининг келажакда бунёд этилиши ҳамда уларнинг истиқболда янги тус олишига ҳам ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

Глобаллашув жараёнида турли мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланишида консулилк хизмати алоҳида ўрин тутаётганлиги маълум бўлмоқда. Ташқи сиёсий муносабатлар қанчалик жадаллик билан ривожланадиган бўлса, консулилк муассасаларига шунча катта вазифалар юкланди.





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2018 йил 20 декабрдаги 73/205 сонли резолюциясида айтиб ўтилганидек, мазкур Ассамблея бегуноҳ одамлар ҳаётига хавф соладиган ёки уларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўладиган, дипломатик ва консуллик намояндалари, мансабдор шахсларининг нормал иш юритишига катта халақит берадиган, янги ва такрорланаётган зўравонлик ишларидан жиддий ташвишда.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ва давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, экспортни кучайтириш ҳамда хорижий инвестициялар жараёнини ривожлантириш мақсадида ташқи сиёсий муносабатларни ҳуқуқий тартибга келтиришга қаратилган кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январдаги ЎРҚ-517-сон “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 6 февралдаги ЎРҚ-518-сон “Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўғрисида” қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими니 тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3654-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 49-сон “Консуллик рўйхатида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори ва бошқа тегишли ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2019 йил 17 январда «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унда чет давлатлардаги Ўзбекистон жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини амалга оширишда давлат хизматларини амалга оширишнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш учун Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги бош консуллклари сони кенгайтирилмоқда. Мамлакатимизнинг бош консуллклари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург, Екатеринбург,





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Владивосток, Қозон, Новосибирск, Ростов ва Қозогистоннинг Актау шаҳарларида очилди.

Россия Федерацияси ва Қозогистон Республикасидаги Ўзбекистон консуллик муассасаларида меҳнат миграцияси бўйича атташе лавозими жорий қилинди. Шу билан бирга “Интерактив консуллик хизматлари” ахборот тизимининг янги шакли татбиқ қилиниб, Россиядаги фуқаролар учун “call-center” хизмати жорий қилинди.

Мазкур қонуннинг даражаларга бўлинади:

- бош консуллик муассасалари;
- консуллик муассасалари;
- вице-консуллик муассасалари;
- консуллик агентликлари.

Ушбу қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг консуллик фаолияти халқаро принциплар ва нормалар билан тартибга солиниши белгиланган. Ўзбек консуллик хизмати Ташқи ишлар вазирлиги тузилмаси таркибига кирувчи давлат хизматининг бир тури бўлиб, ҳам халқаро, ҳам миллий қонунлар билан тартибга солинди.

Хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистоннинг консуллик хизматлари бошқа давлатлардаги фуқароларимизга, шунингдек, Ўзбекистон ичидаги чет элликларга турли хил консуллик хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ўзбек консуллик фаолиятининг асосий хусусиятлари ҳамда вазифалари қўйидагилардан иборат:

### **1. Ўзбекистон фуқароларига хориждаги консуллик хизматлари:**

- паспорт ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни бериш ва расмийлаштириш;
- Консуллик рўйхатидан ўтказиш ва ҳужжатларни қонунийлаштириш;
- турли мақсадлар учун сертификатлар ва ҳужжатларни тақдим этиш (масалан, ишга жойлашиш ёки таълим олиш учун);
- табиий оғатлар, баҳтсиз ҳодисалар ёки хуқуқий муаммоли масалаларга консуллик ёрдамларини бериш.

### **2. Хорижий фуқаролар учун Ўзбекистондаги консуллик хизматлари:**

- визалар бериш ва визаларни қўллаб-қувватлаш;
- қонун доирасида чет эл фуқароларининг хуқуқ ва манфаатларини консуллик ҳимояси;
- Консуллик маълумотномалари ва фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш.

### **3. Ўзбекистоннинг халқаро консуллик ва дипломатик ташкилотлардаги ваколатхонаси:**

- халқаро консуллик ваколатли органларида Ўзбекистон манфаатларини бевосита ҳимоя қилиш;
- консуллик фаолиятида халқаро нормалар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва яратишда иштирок этиш.

### **4. Маданий-маърифий дастурлар:**

- Ўзбекистон маданияти ва тарихи билан яқиндан танишиш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;





## **5. Фавқулодда вазиятларда консуллик ёрдамини кўрсатиш:**

- Фавқулодда вазиятлар, табиий оғатлар ва бошқа оғатларда ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти Ташқи ишлар вазирлигига белгилаб берган комплекс сиёсий мақсад-вазифаларнинг бажарилиши халқаро муносабатлар борасидаги юқори малакали кадрлар билан таъминлашни тақозо этиши маълум. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июнданги “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарорида илғор хорижий тажрибаларни инобатга олиб, мамлакатнинг ҳозирги ташқи иқтисодий ва сиёсий устуворликларидан келиб чиқиб, таълимнинг сифатини ошириш, кадрларни манзилли тайёрлаш уларнинг келажакдаги захирасини шакллантириш, университетнинг мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларининг тизимли таҳлил этиш фаолиятидаги ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги консуллик хизматлари “иқтисодий дипломатия” ни ривожлантириш ва кенг қамровли ташқи савдо-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида ҳисса қўшмоқда.

Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, **иқтисодий дипломатия мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим элементига айланди**. Ташқи иқтисодий соҳанинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш билан хорижий инвестициялар ва етакчи технологияларни жалб қилиш, давлатимизга сайёҳлар оқимини кучайтириш, миллий маҳсулотларнинг дунё бозорларига экспортини ривожлантириш, халқаро янги транспорт йўлларини яратиш ҳамда бошқа инфратузилма лойиҳаларини жорий этиш бўйича ишлар самарадорлиги оширилди.

Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарида **1200** дан зиёд бизнес-форумлар амалга оширилди. Хорижий тадбиркорлар ва инвесторларнинг мамлакатимизга **3000** дан ортиқ ташрифи ташкиллаштирилди, иқтисодий институтларимизнинг чет давлатларга **1100** дан ортиқ ташрифи ташкиллаштирилди.

Россия, Венгрия, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Корея Республикаси, Австрия, Германия ва бошқа мамлакатлар билан 30 та давлатлараро комиссияларнинг учрашувлари амалга оширилди. Шулар билан бирга, элчиларнинг Ўзбекистонга бириктирилган ҳудудларга 170 дан зиёд ишчи ташрифлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кучайтириш борасида ҳам ўзбек консуллик хизматлари самарали ишларни ташкиллаштирилди. Бунинг натижасида сайёҳлик визасини олишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган мамлакатлар сони 77 тадан ошиди. Шу билан бирга визасиз режим ўрнатилган давлатлар рўйхати 86 тагача кўпайтирилди. 57 та давлат фуқаролари электрон виза олишлари учун мурожаат қилиш имкониятига эришди, инвесторлар учун уч йилгача кириш визаларининг янги тоифаси – инвестиция визаси амалга тадбиқ этилди.





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Хорижий мамлакатларнинг 13 тасида давлат ва маданият арбоблари Ўзбекистон сайёҳлик брендининг элчилари этиб белгиланган. Хориждан Ўзбекистонга сайёҳлар келишини кучайтиришга бағишлиланган 8 та «Йўл харитаси» тасдиқланган. Хорижий давлатлардаги 50 та сайёҳлик қўргазмасида мамлакатимиз сайёҳлик компаниялари кенг жалб қилинди.

2019 йилда мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятида ҳам катта натижаларга эришилди, давлатимизга хорижий инвестициялар оқими кенгайгандиги намоён бўлди. Иқтисодиётимизга инвестиция киритадиган хорижий мамлакатлар сони 50 тадан ошганлиги кузатилди. Шу йили минтақавий инвестиция лойиҳалари доирасида чет эл инвестициялар ҳамда кредитларни ўзлаштириш Тошкент шаҳрида 1550,4 млн., Тошкент вилоятида 346 млн., Хоразм вилоятида 242,5 млн., Фарғона вилоятида 346,9 млн., Сирдарё вилоятида 214,6 млн., Сурхондарё вилоятида 222,6 млн., Самарқанд вилоятида 214,1 млн., Намангон вилоятида 277,2 млн., Навоий вилоятида 130,4 млн., Қашқадарё вилоятида 145,5 млн., Жиззах вилоятида 367,9 млн., Бухоро вилоятида 310,6 млн., Андижон вилоятида 232,1 млн., Қорақалпоғистон Республикасида 189,9 млн. АҚШ долларини ташкиллаштириди.

Бир сўз билан айтганда, 2019 йилда ташқи инвестицияларнинг оқими ва ўзлаштирилиши 13,3 млрд. АҚШ долларга этди. Хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар – 9,3 млрд., давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар – 4 млрд. АҚШ долларига етказилди.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик хизматлари ва ҳукуқ-тартибот органлари томонидан амалга оширилаётган маҳсус тадбирлар тавомида уруш ўчоқларига адапиб бориб қолган фуқароларимиз мамлакатимизга қайтарилимоқда. Бу борада ўзбек дипломатиясининг ҳам роли аҳамиятли эканлигини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, Президентимиз топшириғига асосан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган давлатлар билан биргалиқда 2019-2021 йиллар «Мehr-1, 2, 3, 4, 5» инсонпарварлик амалиётлари ўтказилди. Натижада Сурия, Ироқ ва Афғонистондан **531 нафар аёллар ва болалар мамлакатимизга олиб келинган**.

Ушбу Ўзбекистон фуқаролари Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли можаролар кечётган худудларга алдов оқибатида бориб қолиб, оғир дамларни бошидан кечирган. Ушбу инсонларга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ҳамда маънавий қўмак берилганлиги диққатга сазовор. Жабрдийдаларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятимизга мослашишлари, таълим ва ижтимоий дастурларда қатнашишлари учун керакли шароитлар яратилди, уларни яшаш уйлари ва иш билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди.

Ҳозирги кунда Фаластин диёрида уруш туфайли жабр қўрган фуқароларга ёрдам бериш, жароҳатланган ва ёрдамга мўҳтоҷ шахсларни даволаш учун Ўзбекистонга олиб келиш ишларига ўзбек дипломатик органлари катта ҳисса қўшмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташқи сиёsat, шу жумладан консуллик хизматларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор амалий ишлар натижасида





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



хорижий давлатлардаги мамлакатимизнинг дипломатик органлари сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Жумладан, хозирги кунда хожий давлатларда Ўзбекистон Республикасининг **52** та **дипломатик ва консуллик ваколатхоналари**, улардан **32** таси элчихоналар, **3** таси халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, **16** таси бош консуллик ва **1** та консуллик идоралари мавжуд.

Бундан ташқари Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг 10 та фахрий консуллари фаолиятини амалга ошироқда.

**Хулоса қилиб айтганда**, мустақил Ўзбекистон жаҳоннинг барча давлатлари билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатимиз халқаро муносабатларни олиб боришида ўзининг сўзи, ўрни, салоҳияти, обрў-эътибори ҳамда ўзига хос позициясига эга эканлиги исботланди.

Шунингдек, сўнгти йилларда мамлакатимизда ташқи сиёsat, шу жумладан консуллик хизматларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор амалий ишлар натижасида хорижий давлатлардаги мамлакатимизнинг дипломатик органлари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Консуллик хизматларнинг самарали фаолияти натижасида мамлакатимиз савдо-иқтисодий салоҳияти кучаймоқда, хориждаги ватандошларимизга самарали консуллик хизматлари кўрсатилмоқда, ўзаро манфаатларга асосланган маданий ҳамда иқтисодий дипломатия ривожланмоқда.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими니 тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон Фармони. <http://lex.uz/docs/3611113>

2. «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 17 январдаги Қонуни. <http://lex.uz/docs/3611415>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3795-сонли Қарори.

4. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т: 2021.

5. Файзиев, Д. Туйчиев. Становление и развитие законодательства Республики Узбекистан о дипломатической службе. ТГЮУ, 2019 г.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/acts/3107036>.





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



7. Resolution adopted by the General Assembly on 20 December 2018. №73/205. Consideration of effective measures to enhance the protection, security and safety of diplomatic and consular missions and representatives. <https://undocs.org/en/A/RES/73/205>

8. Юлдашева Говхержан. Ўзбекистон Республикасида консуллик ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши (Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати). Тошкент – 2020 й.

